MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ: **ЗАМОН ОЛАМГА КЕНГРОҚ ҚАРАШНИ, КАТТА МАСАЛАЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИ, ЙИРИК МУАММОЛАР ХУСУСИДА ЎЙЛАБ, КЕНГРОҚ ФИКРЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ. АНА ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ДУНЁГА КЕНГРОҚ ҚАРАЙЛИК. МИЛЛИЙ БИРЛИК, МИЛЛИЙ ЯХЛИТЛИК, МИЛЛИЙ БИР БУТУНЛИК — МИЛЛИЙ РАВНАҚ АСОСИДИР.**

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
16 МАЙ
СЕШАНБА

№ 57 (25.607).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли жаноб Президент,

Иш жадвалингизда мен билан учрашишга вақт ажратганингиз учун миннатдорлик билдираман. Учрашувимиз Ўзбекистон тараққиёти ва унинг Қўшма Штатлар билан ҳамкорлигидаги ҳал қилувчи лаҳзага тўғри келди. Демократия ва иқтисодий ислоҳотлар тамойилларини ҳурмат қилиш борасидаги ўзаро ҳамжиҳатлигимиз кенгайиши мумкинлиги ва кўпроқ ҳамкорлик қилишга ҳамда икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга имконият беришига умид қиламан.

Сиз орқали Ўзбекистон халқига унинг самимийлиги ва меҳмондўстлиги учун миннатдорчилик билдиришга ижозат берасиз. Улар ўз мамлакатлари, ўз тарихлари билан фахрланадилар ва улар бунга тўла ҳақлидирлар.

Самимият ила,
АҚШ Давлат котиби
Мадлен ОЛБРАЙТ

В.ПУТИННИНГ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан шу йилнинг 18-19 май кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин икки кунлик амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.



Она юрт манзараси — Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 16 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	136,21
1 Австрия шиллинги	15,45
1 Англия фунт стерлинги	355,72
10 Бельгия франки	52,69
1 Голландия гульдени	96,45
10 Греция драхмаси	6,32
1 Дания кронаси	28,51
1 БАА дирхами	64,10
1 АҚШ доллари	235,42
1 Миср фунти	68,57
10 Испания песети	12,72
100 Италия лираси	10,98
1 Канада доллари	158,31
1 Хитой юани	28,44
10 Люксембург франки	52,69
1 Малайзия рингити	61,96
1 Германия маркаси	108,67
1 Польша злотийси	52,80
1 СДР	308,40
1000 Туркия лираси	0,38
1 Финляндия маркаси	35,75
1 Франция франки	32,40
1 Швейцария франки	136,67
1 ЕВРО	212,54
10 Жанубий Корея вони	2,11
10 Япония иенаси	21,74
1 Россия рубли	8,32
1 Украина гривнаси	43,64

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ЙИЛ ОЙ КУН

СПОРТ

УНИВЕРСИАДАГА ҲОЗИРЛИК



Намангандан мухбиримиз **Маҳмуджон ПАРПИЕВ** хабар қилади:

Республикамизда ўтаётган йириқ тадбирларнинг ажиб томонлари кўп-да! Юбилейлар, маросиму спорт мусобақалари туфайли ўша юртга нур киради. Тайёргарлик баҳона катта ҳажмдаги яратувчилик ишлари амалга оширилмоқда, қурилиш-ободонлаштириш ишлари битиб кетади.

Ҳозир меҳмондўст Наманган диёрида шундай. Бу ерда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида биринчи бор ўтадиган «Универсиада-2000» мусобақаларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Кўлами кенг мусобақалар очилиши байрам тусини олади. Шу муносабат билан Тошкентдан таниқли санъат мутахассислари, ижодий гуруҳлар ташриф буюрганлар, улар билан куну тун машқ олиб борилмоқда.

Вилоятнинг бош ўйингоҳи — «Навбаҳор» байрамона безанмоқда. Тўрақўрғон, Косонсой туманларидаги ўйингоҳлар, вилоятдаги деярли барча спорт мажмуалари ёшлар куч синашадиган 9 турдаги спорт беллашувларига мослаб жиҳозланмоқда.

Чортоқ туманидаги «Чортоқ», «Гулшан» ва болалар сиҳатгоҳлари қайта таъмирдан чиқарилди. Бу гўшада қатнашчиларнинг дам олиши ва кўнгилочар маданий тадбирлар ўтказишларига мос сўлим шароитлар яратилди.

Йўлсозлар иши, айниқса, тахсинга сазовор. Вилоятнинг марказий ва ички йўллари тўла созланди. «Тасвирий ойина» уюшмаси вилоят бўлими шаҳар ва қишлоқлар кўркига кўрк бағишлади. Реклама чироқлари тунларни чароғон этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Наманган меҳмонларни кутишга тайёр!

ХУШХАБАР

ЭНГ ЁШ ФАН ДОКТОРИ



Хоразмлик Даврон Матрасулов 28 ёшида физика фанлари доктори бўлди. Иқтидорли ёш олим танлаган мавзу кўплаб жаҳон олимлари назарини ўзига қаратди. Таниқли олимлар номзодлик илмий даражаси учун олиб борилаётган диссертация ишини кенгайтиришни таклиф қилдилар.

Узлуксиз олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ўз самарасини берди. Олимлар ҳайъати Даврон Матрасуловга фан номзоди босқичини ўтамасдан, фан доктори илмий даражасини беришга қарор қилди. 28 ёшда шундай катта илмий даражага эришиш яхши воқеадир, деб ёзади мухбиримиз Рўзимбой ҲАСАН.

ФАКС

МАТБУОТНИ МЕНСИМАЯПТИЛАР

деб хабар қилади Сурхондарё вилоят «Матбуот тарқатувчи» масъулияти чекланган жамият раҳбари М. Маматқулов:

— Вилоятимиз маркази Термиз шаҳрида ва Бойсун, Жарқўрғон, Шўрчи, Денов ва бошқа туманларда маҳаллий ҳокимият раҳбарияти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги 418-қарорининг 10-банди бузилмоқда.

Улар вақтли матбуот нашрлари сотиладиган савдо тармоқларини одамлар гавжум ва жамоат жойларидан кўчириб, чекка жойларда ўрнатишга мажбур қилмоқдалар.

ДУО

КЕКСАМАН, ЛЕКИН РУҲИМ ТЕТИК



Менгли ота ШОЙИМАРДОНОВ мактубидан:

Деҳқонобод туманининг Бешчарбоғ ширкат хўжалигига қарашли Боғизағон қишлоғида яшайман. 1898 йилда туғилганман. 103 ёшни қаршиламоқдаман. Кўплар қатори менинг ҳам бошимдан оғир кунлар ўтган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашдим. Ҳозир пенсиядаман. Мустақиллик давридан бери Оллоҳга шукр айтиб, Президентимиз ва у кишининг атрофидаги раҳбарларнинг дуои-жонини қилиб турибман. Мен қаридим, лекин руҳим тетик.

Мендек кексаларни ҳурмат қилаётганларга Оллоҳ мададкор бўлсин, пиру пешволар қўлласин. Эл обод, юрт тинч бўлсин.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ тайёрлади**

ИСТИҚБОЛГА БИР НАЗАР

«Ўзэкспомарказ»да Буюк Британиянинг «ITE» компанияси билан Ўзбекистон ҳамкорлигида икки кун давом этадиган кўргазма очилди.

Кўргазма нефть ва газ соҳалари, тоғ-кончилик, телекоммуникация, қурилиш, озиқ-овқат саноати ва молия хизматларини ўз ичига олади.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» деб аталган мазкур кўргазмага бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда йирик чет эл фирма ва корхоналаридан вакиллар қатнашди. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон ресурсларини ривожлантириш имкониятлари мавзусида фикр алмашдилар.

Азамат ТЎРАЕВ

ЎЗИНГДА БОРИГА НИМА ЕТСИН

Навоий электр тармоқлари корхонаси вилоят марказида янги таъмирлаш базасини фойдаланишга топширди. Бу билан электр асбоб-ускуналари ҳамда мавжуд техникаларни Навоийнинг ўзида қайта таъмирлаш имконияти яратилди. Корхонада трансформаторларни тузатиш, синов электролаборатория ҳамда дунёвий таҳлиллар олиш ва ишга яроқсиз релеларни қайта созлаш цехлари ишлаб турибди. Таъмирлаш базасини Навоий қурилиш бошқармаси бинокорлари бунёд этишди. Муҳими, энди навоийлик электрчилар асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун Тошкенту Самарқандга бориб юрмайдиган бўлишди.

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИНШООТ МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Маълумки, республикамизнинг катта қисми сейсмик фаоллашган зонада жойлашиб, ўзига хос геологик, гидрогеологик ва иқлимий хусусиятларга эга. Шу омиллар сабаб бинокорликда лойиҳаларнинг мукаммаллигини, қурилишнинг ишончли ва сифатли бажарилишини, аҳолининг хавфсизлигини ҳамда халқ хўжалиги объектларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида мавжуд бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини меъёрий даражада сақлаш муҳим масаладир.

Мамлакат бойлигининг 60 фоиздан кўпроқ қисмини қурилиш фонди ташкил этишини эътиборга олсак, иқтисодий барқарорликда уларнинг аҳамияти беқиёс эканлигини кўрамиз. Шунинг учун бинокорликда мавжуд меъёрий ҳужжатлар асосидаги талабларни сўзсиз амалиётга тадбиқ этиш содир бўлиши мумкин бўлган турли фавқулодда вазиятлар нохуш ҳолатларнинг келиб чиқмаслигига кафолат бўлади.

Ҳудуднинг шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда турар жойларни, биноларни лойиҳалаштиришда Ўрта Осиёда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Сонаноқсиз табиий офатларни бошидан кечирган тарихий обидаларимиз ҳам намуна, ҳам илҳом манбаидир.

Шаҳарнинг қон томирлари бўлмиш ирригация тармоқлари ишдан чиқди. Яқин ўтмишимизда халқимиз ариқ сувларидан истеъмол учун фойдаланишган. Бироқ, ушбу ариқлар аҳлат ташланадиган жойларга айланди. Бу нарсалар эса шаҳарларимизда экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди.

Янги ерларнинг ҳаддан ташқари кўп ўзлаштирилиши билан суғориш тизимининг издан чиқиши сизот сувларининг кўтарилишига олиб келди ва охир-оқибат бу нарса ҳудуд экологиясига жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу ҳолат, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги «Техноген, тиббий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «биноларнинг, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг емирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки сизот сувлар даражасининг ортиши» гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган экологик турдаги фавқулодда вазият ҳисобланади.

Республикамиз миқёсида жуда кўплаб биноларнинг ва иншоотларнинг, энергетика тизимидаги, коммунал тармоқларидаги кўплаб объектлар бугунги кунда авария ҳолатида эканлиги ачинарли ҳолдир.

Бугун муҳандислик коммуникацияларининг муддатидан 3-4 баробар тез ишдан чиқиши, биноларимизнинг замин қисмидаги конструкциясининг емирилишига сабаб бўлаётган бирламчи омил — сизот сувининг, тупроқ таркибидаги шўрнинг ва бошқа кўпгина моддалар миқдорининг ортиб кетганлигидир. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, 35-40 йилларга мўлжалланган ер ости муҳандислик коммуникацияларининг хизмат даври 10-15 йилдан ошмаётган экан. Шу сабабли қурилиш фондига ажратилаётган маблағнинг 50-60 фоизи айнан муҳандислик коммуникацияларининг эксплуатациясига сарфланмоқда. Демак, бу соҳада фан ва техниканинг илғор усулларини ҳаётга татбиқ этиш пайти келди.

Мамлакатимиз мустақиллик йиллари бош омил сифатида инсон, унинг саломатлиги, унга керакли бўлган энг муҳим ҳаётий шароитларни яратиш вазифаси, иккинчи масала эса мавжуд қурилиш фондимизни хавфсиз сақлаш мақсадида уларни «тиббий кўрикдан» ўтказиб туриш, яъни, уларнинг техник ҳолатини баҳолаб туриш каби масалалар мавжуд.

Сир эмас, бозор муносабатларига ўтиш даврида халқ хўжалигининг турли соҳаларида маълум бир иқтисодий тангликлар вужудга келган. Шу нуқтаи назардан бугун янги бинони қуришдан кўра мавжуд бино ва иншоотлардан унумлироқ фойдланиш мақсадга мувофиқдир ва шундай бўлаяпти ҳам. Бу ишларни ҳар ким (жисмоний ва ҳуқуқий шахслар) ўз имкони даражасида амалга ошираяпти.

Янги биноларни қуришда, мавжудларини қайта тиклаш, замонавийлаштириш ва бошқа хил таъмирлаш ишларини бажаришда меъёрий ҳужжатларда келтирилган талаблар кўпчилик ҳолларда бажарилмаяпти. Бу нарсани айниқса, шахсий қурилиш жараёнида кўплаб учратиш мумкин. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларини, айниқса, фуқаро муҳофазасида муҳандислик техник тадбирларга оид меъёрий ҳужжат талабларини бажармаслик «кўра била туриб босилган тикон», демакдир. Бу нарса қандай оқибатларга олиб келишини инсоният кўп марталаб гувоҳи бўлган ва бўлмоқда.

Шаҳарларда, вилоят ва туман марказларида мавжуд кадастр хизмати фаолиятини жонлантириш, уларни керакли замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ходимларнинг ушбу соҳадаги малакаларини ошириш, улар учун керакли қўлланмалар, услубиятлар зарурдир.

Бу ишларнинг амалга оширилиши эса аҳоли хавфсизлигини таъминлашда, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлигини оширишда, бино ва иншоотларимизнинг мустаҳкамлигини, ишончлилигини баҳолашда мавжуд қурилиш фондимизнинг ҳолати бўйича назорат тизимини, яъни мониторингини йўлга қўйишда асос бўлиб хизмат қилади.

■ **Асадулла ХАТАМОВ,**
Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ДАСТУРИ ВА НИЗОМИНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

Ҳар қандай сиёсий партиядек, Ўзбекистон ХДП учун ҳам муҳим масалалардан бири — унинг мамлакат сиёсий тизимидаги ўрни, Конституция ва амалдаги қонунчилик доирасида, сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиши мумкинлигининг йўл, шакл ва тамойиллари тўғрисидаги масаладир.

Ушбу масалалар III Қурултой қабул қилган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги таҳрирдаги Дастури ва Низомини партия ташкилотларида ўрганиш жараёнининг асосий мавзуларидандир. Ҳам сиёсий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган, кенг доирадаги муаммоларни қамраб олган ушбу мавзу, мамлакатда кўппартиялилик тизими ва парламент демократияси қарор топаётган шароитда партиянинг истиқболлари ва яқин келажакдаги ривожланиши масалаларини тўғри тушуниш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Таҳририят шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ХДП Дастурида кўтарилган, жамият сиёсий ривожланишининг долзарб муаммоларига бағишланган мақолаларни нашр этишни давом эттирмоқда. Бугун ўқувчилар эътиборига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими М. Ельшов томонидан тайёрланган «Партия ва сиёсат» мавзусининг асосий политологик жиҳатларини очиб берувчи мақола ҳавола этилмоқда.

ПАРТИЯ ВА СИЁСАТ: ПОЛИТОЛОГИК НУҚТАИ-НАЗАРЛАР

Бизнинг фикримизча у ёки бу партияни электоратнинг (сайловда қатнашадиган фуқароларнинг) кўпчилиги ёки озчилиги томонидан қўллаб-қувватланишини белгилайдиган асосий омиллардан бири, биринчидан, партияга бирлашган ва уни қўллаб-қувватловчи жамият аъзоларининг сиёсий интилишларининг ўзига хос назарий умумлашмаси ҳисобланган партия дастурий мўлжалларининг мафтункорлиги бўлса, иккинчидан, партиянинг ўз дастурини амалга ошириш бўйича фаолиятининг самарадорлигидир.

Демак, бу — сиёсий партияларнинг давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишдаги ўрни тўғрисидаги, охирги ўринда турмаган, масаладир. Тушунарлики, ушбу масалани авваламбор, жамиятнинг сиёсий тизимида партиялар учун қонунчиликда кўзда тутилган ўрни нуқтаи назаридан ҳамда уларнинг сайловда қатнашиш натижасида эгаллаган ҳақиқий ўрнини ҳисобга олган ҳолда, кўриб чиқиш керак.

Турли мамлакатларда ушбу масала, конституциявий тузумга мувофиқ, турлича ҳал қилинади. Замонавий демократиянинг ажралмас белгиси, ўзига хос мезони сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган, қандайдир ҳар томонлама ишланган (универсал), тайёр чизма бор, деб айтишга ҳеч қандай асос йўқ. Аксинча, тарихан қарор топган ҳар бир жамиятнинг сиёсий тузилишига сиёсий партиялар тизимини шакллантириш ва фаолият юритишнинг унгагина хос хусусиятлари тўғри келади.

Туғалланаётган йигирманчи аср учун давлат тузилишининг тўртта асосий тури хосдир. Бу — конституциявий монархия, диктатура (мустабид ҳукмронлик), парламент республикаси ва президентлик республикаси.

Диктатурада амалда сиёсий партиялар тизими мавжуд эмас. Одатда, бундай жамиятда партиялар фаолияти ё, умуман, тўхтатилади, ёки (собиқ Иттифоқнинг мустабид маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бўлганидек) яккапартиялилик тизимини шакллантиришга қаратилган, унда ягона (ва, табиийки, ҳукмрон) сиёсий партия жамиятнинг «раҳбари ва йўлбошчиси», унинг «сиёсий ўзаги» мавқеига эга бўлади.

Ўйлаймизки, бундай тузумдаги мавжуд сиёсий ташкилот сиёсий партияларга қўйиладиган талабларга фақатгина расман жавоб беришини ва унинг демократик тараққиёт билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигини яна бир бор гапириш ортиқча бўлса керак. Амалда, бундай «партия», ўз раҳбар органлари тимсолида, давлат бошқарувининг етакчи тузилмасига айланиб, парламент ва ҳукуматга якдиллик билан овоз бериш орқали қабул қилинаётган партия қарорларини қонунлаштириш ҳуқуқинигина қолдиради. Бундай шароитларда очиқ мухолифат бўлмайди, қаттиққўллик билан таъқиб қилинадиган норасмий мухолифат эса конституциявий тузумга қарши туради.

Бундай «партия»нинг қўйи ташкилотлари одамларни мафкуравий жиҳатдан, тўла бўйсундириш, уларнинг садоқатлилиги, «партия иши» ва рухсат этилган ягона дунёқараш қоидаларига содиқлиги устидан назорат қилиш воситаси сифатида фаолият кўрсатадилар. Бундай мафкура, одатда, унинг қандай қоидалар (масалан, кекса авлодларга яхши маълум бўлган «жамият ривожланишининг илмий-назарий асослари», «эътиқод софлиги», диний ақидапарастлик, миллий ёки ирқий устунлик каби ғоялар) негизида шакллашишидан қатъи назар, расмий давлат мафкураси ҳисобланади.

Кўпгина давлатлар (жумладан, собиқ Иттифоқ)нинг тажрибаси бундай турдаги давлат тузилиши, у қандай «олийжаноб» мақсад ва ниятлар билан ёпинмасин, тарихий истиқболга эга эмаслигини кўрсатади.

Конституциявий (ёки парламентли) монархия мамлакатлари (масалан, Буюк Британия, Швеция, Норвегия каби ва ҳоказо)да давлат тузилишининг ўзига хос асосий хусусияти, бу — давлат бошлиғи — подшо ёки қиролга мазкур лавозим —аниқроғи, унвонни бир умрга берувчи монархик сулоланинг мавжудлиги. Улардаги сиёсий партиялар эса, ҳар бир мамлакатдаги аниқ шароитлардан келиб чиқиб, президентлик ёки парламент республикасига хос бўлган вазифаларни бажарадилар.

Парламент республикасида (мисол тариқасида Германия, Ғарбий Европанинг қатор бошқа мамлакатларини кўрсатиш мумкин) ҳукуматни сайловларда ғолиб чиққан партия (ёки партиялар) фракцияси бевосита шакллантиради. Бунда ҳукумат бир партия (агар сайловда у кўпчилик ўринни эгалласа) томонидан ёки коалицион тарзда (сайловлар якунлари бўйича сиёсий партиялардан ҳеч бири парламентда кўпчилик ўринларни ололмаган тақдирда) тузилиши мумкин. Ҳукуматни тузган партия (ёки партиялар блоки, иттифоқи, коалицияси) ҳукмрон партия (блок, иттифоқ) мақомига эга бўлади, парламентга вакиллари етарли миқдорда сайланмаган сиёсий партиялар, яъни озчиликни ташкил этувчилар эса, ҳукуматга мухолиф бўлиб қолади.

Президентлик республикасида (бунда энг ёрқин мисол АҚШ бўлиши мумкин) демократик, кўппартиялилик асосида сайланадиган, давлат бошлиғи (Президент), бир вақтнинг ўзида ижроия ҳокимиятнинг бошлиғи ҳамдир ва парламентга тасдиқлаш учун тавсия этиладиган ҳукуматни шакллантириш ваколатларига ҳам эгадир. Бундай вазиятда, сиёсий партиялар ҳукуматни шакллантиришда иштирок этмайдилар. Шу боис, бундай давлатларда бирон та сиёсий партия, ҳуқуқий жиҳатдан, ҳукмрон партия тоифасига кирмайди. Бу ерда президент сайловлари оралиғидаги давр мобайнида сиёсий партияларнинг ўзаро рақобати, озми-кўпми, кўппартиялилик асосида сайланадиган парламентнинг қонунчилик фаолияти доирасида намоён бўлади. Бунда, одатдагидек, сиёсий партияларнинг етакчилиги ялпи сайловларда сайланган Президентнинг бирон партияга мансублигига қараб эмас, балки қонунлар қабул қилинишига партия фракциялари таъсирининг даражасига қараб белгиланади. Шунга мувофиқ бу ерда мухолифат (ўз моҳияти билан) парламент кўпчилигига мухолиф турган ҳисобланади (албатта, у партиянинг парламентдаги фракцияси ёки парламентдаги сиёсий партияларнинг коалициясига ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган ҳолда).

Сиёсий партиялар тизими фаолиятининг замонавий жаҳон тажрибаси тўғрисидаги ушбу обзоримиз, унга хос бўлган яна бир тамойил четлаб ўтилганида, у тўла бўлмай қолади. Маълумки, XIX аср охирлари — XX аср бошларида сиёсий партиялар у ёки бу синфлар, ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий манфаатларини ифода этиш мақсадида тузилган. Партияларни тузишдаги синфий ёндашувлар улар ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатар, бир-бирларига нисбатан зиддиятда бўлишни муқаррар этар эди. Бу ўша пайтлардаги, ўз мулкий ҳолатига кўра кескин табақалашган, бир-бирига қарама-қарши турувчи жамият синфлари орасидаги зиддиятнинг ўзига хос ифодаси эди.

XX аср охирларида инсоният ҳамжамиятида маърифий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ижтимоий қарама-қаршилик ва синфий кураш эмас, балки ижтимоий шериклик эканлигини тушуниш юзага кела бошлади. Шунга мувофиқ, сиёсий партияларни шакллантириш тамойилларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Тарих мулкига айланаётган илғор турдаги, яъни у ёки бу синфнинг илғор қисми, энг яхши сиёсий намояндаларини бирлаштирган сиёсий партиялар ўрнига **халқ партиялари,** деб аталган ташкилотлар келмоқдалар. Бундай партияларга хос муҳим хусусият шундан иборатки, улар муайян синф ёки ижтимоий гуруҳнинг сиёсий манфаатларини ифода этмайдилар, балки жамият олдида турган долзарб муаммо ва вазифаларни ҳал этиш йўлидаги у ёки бу, ўзаро рақобатли, устуворликлар, ёндошувларнинг тарафдоридирлар.

Ушбу таҳлилий фикр-мулоҳазаларни баён қилишдан кўзланган мақсадимиз мустақил Ўзбекистоннинг демократик ривожланиши тамойилларини тўғри тушуниш учун асос бўлувчи политологик қоида ва категориялар доирасини белгилашдир. Бу ҳақда муфассалроқ келгуси мақоламизда.

ХОЛИСХОН ОПА ҚУВОНДИ

Меҳнати юзага чиққач қувонаркан-да, одам! 22 грамм ипак қурти уруғини оиласи билан парваришлаган Қўчқор ота номли жамоа хўжалиги аъзоси Холисхон Аҳмедова Наманган вилоятида биринчи бўлиб 106 килограмм пилла топширди.

Шундай қилиб вилоятда Учқўрғон тумани бош бўлиб, пилла топширишга киришди. Дастлабки натижалар 288 тонналик хирмон сўзсиз қад ростлашидан далолат бермоқда.

■ **Ўз мухбиримиз**

ТОПИЛМАЛАР СЎЗЛАГАНДА

2001 йилда ЮНЕСКО раҳнамолигида Термиз шаҳрининг 2500 йиллиғи халқаро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон ФА Археология институти олимлари бир гуруҳ япониялик археологлар билан ҳамкорликда шаҳарнинг қадимий манзилгоҳларини тадқиқ этмоқда.

Экспедиция изланишларни Кушонийлар салтанатининг I-III асрларга оид бўлган Қоратепа ёдгорлигида олиб бормоқда. Қазилмалар чоғида ушбу ёдгорлик I-IV асрларда буддавийликнинг маркази бўлганлиги ва турли ҳарактердаги буддавийликнинг нишонаси бўлмиш ҳайкалчалар мажмуаси, деворий сурат намуналари, сопол идишларга битилган битиклар топилди. Топилмаларда маҳаллий Бақтрия, Юнон, Ҳинд маданияти анъаналари ҳам ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, изланишлар натижасида топилган янги топилмалар Термиз шаҳрининг қадимда юксак маданият бешиги бўлганлигидан далолат беради.

Суратларда: 1. Ўзбекистон ФА Археология институти археологи Шокир Пидаев. 2. Шер тасвири туширилган оқ мармар топилма. 3. Қоратепа ёдгорлигида археологик қазилмалар пайти.

■ **Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар**



ОЧИҚ ГАПЛАР

ФЕРМЕР БОЙИГАНИ — ЭЛ БОЙИГАНИ

Деҳқон қилаётган меҳнатининг самарасини, моддий манфаатдорлигини кўрмас экан, меҳнатга иштиёқи сўниб бораверади. Иқтисодиётни эркинлаштириш, мулк эгалиги шаклини ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз фермер ва ширкат хўжаликларини ташкил этди. Эндиликда унинг самарадорлигини ошириш бугуннинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан Жиззах вилоятидаги фермер хўжаликлари фаолияти билан танишдик.

Норқул Каримов — Зарбдор туман фермерлар уюшмаси раиси:

— Туманимиз фермерлари ўтган йили пахта ва ғалла режаларини ошиғи билан уддалашди. Режаларни бажаряпмиз, аммо бизни қийнаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, 9 миллион сўмимиз туман нефть базасида ётибди. Ёнилғи беришмаяпти. Нимага деб сўрасак, сизларга фонд ажратилмаган, дейишади. Фермерларимиз ҳар йили пахта ҳисобидан чигит ҳам топширишади. Завод бизга топширган чигитимиз эвазига пахта ёғи бериши керак. Аммо ҳамма қатори пахта ёғини 263 сўмдан сотиб оляпмиз. Шу пайтгача қайси ташкилотга борсак, бор хўжалигинг билан шартнома туз, дерди. Юртбошимиз: **мен сизларни ҳимоя қиламан,** деганларидан бери, ҳайрият муносабатлари ўзгарди.

Бир йиғинда болалар шифохонаси бош врачи сўзга чиқиб: бизга ҳам ер ажратсангиз, чорва қилиб шифохонамизни ўзимиз сут билан таъминласак, деди. Баҳоли қудрат туманимиз фермерлари билан келишиб шифохонага сигир ажратдик. Ахир, фермер бойиса халққа ҳам яхши-да!

Абдуолим Мамараҳимов — Арнасой туманидаги «Миришкор» фермер хўжалиги раиси:

— Ҳозирда қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида катта тафовут пайдо бўлди. Бултур биринчи навли пахтанинг 1 тоннаси 38 минг сўм, 1 тонна аммофос ўғити эса 41,5 минг сўм, 1 тонна солярка 35 минг сўм, аммиак селитрасининг 1 тоннаси 24 минг сўм. Ғалламизнинг ҳар гектарини 7 минг сўмдан ўрдирамиз, ҳар гектар ерни 4,5 минг сўмдан ҳайдатамиз. Ғалланинг баҳоси эса... Шунинг учун фермерлар кўпроқ пахта экишга интилишади. Даромади яхши, лекин 1997 йилдан буён толанинг пулини ололганимиз йўқ.

Тўғри, туманимиз фермерларини «Скифянка» ва «Юна» навли уруғлар ўтган йили қийнаб қўйди. Бизнинг ерларда «Юна» навидан нари борса ҳар гектаридан 27 центнергача ҳосил олиш мумкин экан. Бу йил «Улуғбек» навини эндик, ўтган йили баъзи фермерлар экишганди, 70 центнергача ҳосил олса бўлар экан.

Вилоятларимиздаги уруғчилик билан шуғулланувчи марказлар ўзини оқламаяпти. Марказларга етук олимларни жалб этиш керак.

Эркин Туронов — Арнасой туманидаги «Турон» фермер хўжалиги раиси:

— Биласизми, бизни бир ҳолат ажаблантиряпти. Ширкат хўжаликларининг қарзи бўлса-да, уларга ёнилғи ўз вақтида берилади. Бизнинг қарзимиз йўқ, аксинча нефть базаси биздан қарз, бироқ ёнилғи ололмаймиз. Банкларнинг муносабати ҳам бизни қониқтирмаяпти. Кўпгина фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамидаги пулларини судсиз-сўроқсиз бошқа жойга ўтказиб юбориш ҳоллари мавжуд. Шунданми, баъзи фермерлар ҳисоб рақамини Жиззах шаҳрига кўчириб кетишмоқда.

Яна бир гап. Жойларда бизнинг қизиқишимиз ҳисобга олинмаяпти. Қаранг, агар пахта қабул қилиш заводлари билан қилинган шартномадаги пахта тоннасидан камроқ топширсак, улар 25 фоизгача жарима қўяди. Бизнинг топширган пахтамизнинг пулини вақтида беришмайди, натижада пул қадрсизланади, бироқ бизга жарима тўлашмайди. Мана, шахсан мен 1998 йилда топширган пахта хомашёси учун 1999 йилнинг кузида ҳисобимга пул кўчиртирдим. Ҳали пулини ололмагани қанча. 1998 йилдаги 1 миллион билан 1999 йилдаги 1 миллионнинг фарқини ўзингиз ҳисоблайверинг. Очиқ айтадиган бўлсак, пахтанинг таннархи ўзгармади, бироқ бензинни аввал давлат дотацияси асосида 27 сўмдан олардик, энди 97 сўмдан оляпмиз. Солярка ҳам икки баробар ошди.

Рустам Ўтабоев — Арнасой туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раиси:

— Бизнинг фермер хўжалигимиз жойлашган майдоннинг шўрини ювиш учун бир вақтлар ёпиқ дренажлар ўрнатилган экан. Шўролар даврида қурилган дренажларнинг баъзиларига умуман труба ўрнатилмаган. Қолганлари ҳам чириб кетган. Шу муаммо юзасидан вилоят ҳокимлигига хат билан чиқдик. Шахсан ҳокимнинг ўзи назоратга олди. Ёпиқ дренажларни ишга тушириш учун бюджетдан 7,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Энди, унда ҳар йили режани қандай бажаряпсиз, деб сўрарсиз? Мен ерга асосан маҳаллий гўнг соламан, шарбат суви қилиб оқизаман қатор ораларга.

Яқинда германиялик ишбилармонлар иштирокида семинар ўтказилди. Анча тасаввурга эга бўлдик. Кўнглимда тегирмон, макарон цехи қуриш истаги туғилди.

— Сизни қийнаётган муаммолар ҳам борми? — деб сўрадик Рустам акадан.

— Биласизми, 1997 йилда туман МТПга 350 минг сўм маблағ ўтказган эдик. Лекин улар биринчи навбатда техника билан аввал хўжаликларни таъминлашади. Мана шу кунгача ҳам 350 мингдан 170 минг сўм маблағимиз МТПда турибди. Хўжалик судига бермоқчи бўлдик, аммо 10 % давлат божи тўланиши керак экан. Ҳисобимизда пул бўлмагани учун судга беролмадик. Таклифим давлат божини суддан кейин айбдор томон тўласа яхши бўларди.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ, Бахтиёр ҲАМИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ВИЛОЯТ САНОАТИДА СИЛЖИШ НЕГА СУСТ?

Иш тартиб билан тўғри бажарилса, айтайлик, плитка терувчи янги ётқизилган плиткалар устидан юришга мажбур бўлмайди. Натижада бажарилган иш — пол сифатли чиқади. Акси бўлсачи, уй хўжаси ишдан қониқмайди. Уста полни бузиб, қайтадан қилиб чиқишга киришади. Шунингдек, ҳар томонлама пухта, етти ўлчаб бир кесиб, ўйлаб, мақсад сари амалга оширилган ҳар бир ишнинг келажаги бўлади, муҳими, харидори оша боради.

Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий омили ҳам ана шунга ўхшаш қонуниятга асосланади. Жамият ишлаб чиқаришнинг барча жабҳада бозор муносабатларини мана шундай элементларини тўла-тўкис йўлга қўйишдир.

Бу ҳақда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов алоҳида гапирди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда халқ хўжалигининг муҳим тармоғи саноатни ривожлантириш мамлакат қудратини оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши тўғрисида батафсил тўхталиб ўтган эдилар.

Шубҳасиз, бу соҳада юксалиш ҳам ҳар бир жамоанинг ўзларига юклатилган вазифани сидқидилдан тўлиқ бажарилишига эришишдан бошланади.

Маълумки, Тошкент вилояти мамлакатимизнинг саноат корхоналари энг гавжум жойлашган ҳудудларидан бири саналади. Хўш, айни кезда пойтахт вилоят саноат корхоналарида аҳвол қандай?

Аниқ рақамларга мурожаат қилсак, вилоятда 195 та саноат корхонаси бор. Айни кезда ана шу корхоналардан 54 таси ёки 30 фоизга яқини тўла қувват билан ишлай олмаётганлигини бугун очиқ айтишимиз мумкин. Натижада, биргина шу йилнинг ўтган чорагида ҳам энг зарур 67 тур маҳсулотдан 43 таси бўйича ўсиш суръати пасайиб кетиб, 2,2 миллиард сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилган. Мана шундай молиявий аҳволнинг ёмонлашуви сабабли Бўстонлиқ туманидаги «Ғазалкентойна» ОТАЖда 45,8 Тошкент туманидаги «Ҳаёт-Файз» хусусий корхонасида 76,5 фоизга маҳсулот тайёрлаш камайишига йўл қўйилди. Қурилиш ойналари 331 минг кв.мга камайди. Шунингдек, Ангрендаги 9-шахта ўсиш суръатини 139,8 фоизга етказган бўлса, «Еростигаз» ОТАЖи ишлаб чиқариш ҳажмини 24,4 фоизга камайтирди.

Ёки икки бир хил маҳсулот ишлаб чиқарган корхоналардан Тошкент ГРЭСи электр қувватини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 376 миллион квт. соатга кўпайтирган бўлса, Ўртачирчиқ ГЭСи 56 миллион квт. соатга камайтирган. Қаранг, бир хил хомашё «истеъмол» қиладиган, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарда икки хил ҳолат.

Халқ хўжалигини металлургия саноатисиз ривожлантириш жуда мушкул. Бунинг учун саноатнинг бу тури мамлакатимизда янада ривож топиб бориши лозим. Бироқ, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати»да ишлаб чиқариш суръати ўсиш ўрнига пасайган, яъни ишлаб чиқариш 92 фоиздан ошмади. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 594,5 миллион сўмга камайган. Тўғри, соҳанинг бошқа корхоналарини ҳисобга олсак, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пўлат ишлаб чиқариш 1,401 минг, прокат 42,3 минг, пайвандловчи электродлар 8 тоннага кўпайганлигини кўрамиз. Лекин бу «кўпайиш» ҳали талаб даражасида дегани эмас-да.

Шунингдек, Чиноз туманидаги «Пахтакабел» заводида маҳсулот ҳажми 53,8, Юқоричирчиқ туманидаги «Интермаш» ОТАЖда 24,8 фоизга қисқарганлигини нима деса бўлади?

Хабарингиз бўлса керак, бундан икки йил бурун «Ўзкимёсаноат» уюшмасига қарашли бир қанча корхоналарда янги-янги линиялар ўрнатилаётганлиги, ҳатто уларда чет эл компаниялари инвестицияси билан қўшма корхоналар тузилганлиги ҳақида хабарлар матбуотда чоп этилган эди. Ана шундай корхоналар ичида Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» ИЧБси ҳамда Янгийўлдаги «Биокимё» ҳиссадорлик жамиятлари ҳам бор эди. Қарангки, бугун бу корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бирида 21,5, иккинчисида 32,9 фоизга пасайган.

Мазкур соҳа корхоналари зиммасида қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий ўғит етказиб бериш масъулияти туради. Чунки бу ўғитларсиз деҳқончилик ривожини юксалтириш қийин. Шу каби муаммолар бўла туриб минерал ўғитлар 7,8 минг, тўйинган азот кислотаси ишлаб чиқариш 3,6 минг тоннага камайиб кетган.

Қилинган меҳнат энг аввало қадрланиши керак. Қисқаси, меҳнат қилиниб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз харидорини топиши лозим. Бу — ишлаб чиқарувчининг ҳам, маҳсулотни сотиб олувчининг ҳам фикрлари бирикиши — меҳнатни қадрланишида кўринади.

Вилоят саноат корхоналари омборларида шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра 9 миллиард 514 миллион 700 минг сўмлик тайёр маҳсулот тўпланиб қолганлиги нимадан далолат? Меъёридан ортиқ тўпланиб қолган маҳсулот 1 миллиард 110 миллион 700 минг сўм миқдорда бўлиб, жами тайёр маҳсулот қолдиғидаги салмоғи 11,7 фоизни ташкил этаётганлигичи? Энг кўп қолдиққа эга Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» ИИБси, Олмалиқдаги «Аммофос» ИЧБси, Чирчиқдаги «Ўзбеккимёмашинасозлиги», ва «Трансформатор» ҳиссадорлик жамиятлари, «Бекободнеруда» АЖ, «Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги» ва бошқа корхоналари эга эканлиги маълум бўлади.

Шу ерда бир савол туғилади. Хўш, ушбу корхоналарда меҳнат қилиб оила тебратишаётган меҳнат аҳли маошларини қандай қилиб олишаётир? Омборларида маҳсулот қолдиғи сотилмай қолган бўлса... Иккинчидан, халқ хўжалиги учун муҳим саналган бу корхоналар ишлаб чиқариши, яъни ишлаб чиқарган маҳсулотлар бугун сув ва ҳаводек зарурку. Уларда эса маҳсулот қолдиғи вужудга келмоқда. Ё сифат даражаси пастми, ёки корхоналарда маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилмаганлигиданми?

Бу ерда яна бир муаммога дуч келамиз. Балким, вилоят саноат корхоналарида юз бераётган муаммоларнинг илдизи «мана шундамикан» деймиз. Масалан, шу йилнинг январь-февраль ойларида корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва уларни жўнатиш бўйича шартномаларнинг бажарилиши 87,1, шундан давлат эҳтиёжи учун 87,4, маҳсулот экспорти бўйича 87,7 фоизга тенг бўлган.

Барча корхоналарда ҳам шартномалар камида икки ой олдин тузилиши керак. Бу албатта маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳам, сотиб олувчининг ҳам келажак бизнес режаларини тузишни олдинроқдан имкониятини яратади. Унда энг муҳими, икки томон ўртасида барча масалалар — маълум шарт ва мажбуриятлар асосида келишиб олинади. Бироқ, вилоятнинг бу тармоғида шартнома мажбуриятларини бажармаган йирик корхоналарнинг борлиги ишларнинг ривожини йўққа чиқармоқда. Бундай корхоналардан Оҳангарондаги «Сантехқуйма» ОТАЖда 52,7, «Бекободнеруд» ОТАЖда 12,7, Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» ИЧБда 76,2 ва «Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги» ОТАЖда 59,2, «Янгийўлдаги» «Ғиштинвест» МЧЖда 31,8 фоиз шартнома мажбуриятларини бажармаганлигига гувоҳ бўламиз. Ёки вилоятнинг 142 та саноат корхонаси 2000 йил 17 март ҳолатига кўра шартномалар бўйича маҳсулот жўнатишни 173 миллиард 300 миллион 700 мингсўмга режалаштирган бўлиб, амалда шартномалар шу кунгача 152 миллиард 985 миллион сўмга тузилганлигини қандай тушиниш мумкин?

Шартномалар хусусида гапираверсак бу ҳам ҳолва экан. Шу кунгача «Олмалиқпиво» хусусий корхонасида, Ангрендаги «Чотқол БК» қўшма корхонасида, «Чирчиқгўшт»да, Оққўрғон ва Бўка туманларидаги саноат корхоналарида тайёр маҳсулотлар, халқ истеъмоли моллари ва моддий ресурслар учун шартномалар умуман тузилмаганлигига нима дейиш мумкин?

Шу боисдан мавжуд корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2000 йилнинг биринчи чорагида 52,1 йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан 7,4 фоизга камайиб кетишига олиб келди.

Сабабсиз оқибат бўлмайди. Гап шундаки, ҳар бир ишчи, ҳар бир жамоа қонун доирасида ўз қиладиган ишини, аввало юракдан севиб, бутун диққат-эътиборини қаратиб фаолият юритилса, Тошкент вилоятида, қолаверса, бошқа ҳудудларида ҳам ҳеч бундай ҳолатлар бўй кўрсатмайди. Ана шунда бутун вилоят саноати бугунгидек муаммолар гирдобида қолмайди. Аслида муаммони яратувчи ўзимиз, уни буткул йўқ қилувчи ҳам, олдини олувчи ҳам ўзимиздир.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1996 ЙИЛ

6 сентябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессияси ҳужжатлари мазмуни ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларида муҳокама қилишни уюштириш вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди ва у юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

18 сентябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партия нашрлари ходимларининг семинари бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журнали таҳририятлари ижодкорлари, ХДП вилоят кенгашларининг «Истиқлол сари» (Жиззах), «Олтин диёр» (Навоий), «Халқ иродаси» (Наманган), «Регистон» (Самарқанд) ва «Қарақалпақстан ҳауазы» рўзномалари муҳаррирлари қатнашдилар.

26 сентябрь. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП Қўшкўпир туман кенгашининг партия қуйи бўғинлари тузилмаларини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш борасида олиб бораётган ишлари ҳақида»ги масала муҳокама қилинди.

Сентябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида БМТнинг жамоа ташкилотлари билан ишлаш бўйича халқаро маслаҳатчиси, профессор Я. Курчевский, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

1 октябрь. Шу вақтга келиб Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич партия ташкилотлари сони 14.003 тага етди. Унинг ҳисобида 436.337 нафар аъзо бор. Ўзбекистон ХДП аъзоларининг 47,1 фоизини зиёли ва хизматчилар вакиллари, 43,2 фоизни ишчи ва деҳқонлар, 24,6 фоизини аёллар ташкил этди. Партия аъзоларининг 39,3 фоизини олий маълумотли, 57,7 фоизини тугалланмаган олий ёки ўрта маълумотли кишилар ташкил этади. 318 нафар партия аъзоси фан докторлари, 1354 киши эса фан номзодларидир.

22 октябрь. Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари саҳифаларида энг яхши илмий-оммабоп, бадиий, ва публицистик асарлар учун, ўтказилган танлов якунлари ҳақидаги қарори матбуотда чоп этилди. Танлов ҳайъатининг таклифларига биноан биринчи мукофот — архитектура фанлари доктори Пўлат Зоҳидовга — «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Соҳибқирон жаноли» тадқиқот-мақоласи учун берилди.

31 октябрь. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг беш йиллиги муносабати билан унинг ташкилотлари, аъзолари ва барча унга хайрихоҳ ватандошларга табриги матбуотда эълон қилинди.

(Давоми бор).

КЎПРИК

ЎЗБЕКИСТОН – ҲАЁТИМДА ЧУҚУР ИЗ ҚОЛДИРГАН ЮРТ

Ҳиндистонда чиқадиган «Ааж» рўзномасининг мухбири Алок Шекҳар Тошкентда ижод қилади. У Ўзбекистон ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеалардан ҳинд муштарийларини хабардор қилиб боради. Қуйида журналист Шароф Мирзонинг Алок Шекҳар билан олиб борган суҳбатини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Ш. МИРЗО: — Алок соҳиб, сиз не сабабдан айнан Ўзбекистонни ўз журналистик ижодингиз мавзуи қилиб танлагансиз?

А. Шекҳар: — Тошкентга келганимга мана қарийб тўққиз йил бўлибди. Айтиш мумкинки, мен мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш босқичларининг айнан шоҳиди бўлганман. Ўтмишга бир назар ташлайдиган бўлсак, ҳинд-ўзбек иқтисодий, савдо ва маданий алоқалари бир неча асрлик тарихга эга эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Маълумки, 1966 йилда Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги сулҳ битими айнан Тошкентда имзоланган эди. Мен Ҳиндистон матбуотида бу тўғрида жуда кўп ўқиганман. Ўзбекистонга қизиқиб қолишимнинг асосий сабабларидан бири ана шу тарихий воқеа бўлиб қолди. Шу-шу дилимда «Тошкент шаҳрини бир бориб кўрсам», деган орзу, пинҳоний бир иштиёқ пайдо бўлди. Ва ниҳоят, 1991 йилда бу орзуйим амалга ошди ва мен ўзбеклар тупроғига илк бор қадам қўйдим.

МДҲ мамлакатлари ичида Ўзбекистонни танлаганимнинг яна бир боиси шундаки, бизнинг ота-боболаримиз қадим-қадимдан бир-бирлари билан борди-келди қилганлар, бир-бирларини моддий ва маънавий жиҳатдан бойитганлар. Одамнинг болаликда эшитганлари бир умрга унинг кўнглида муҳрланиб қолар экан. Эсимда бор, гўдак эдик, мактабда ўқиб юрар эдик. Ўшанда устозларимиз биз ўқувчиларга кўҳна Самарқанд ва Бухоро ҳақида кўпгина ажойиб қиссаларни сўзлаб берар эдилар. Балки ўша қиссалар ҳам бир жиҳатдан туртки бўлгандир.

Ш. М: — Ўз оилангиз ҳақида ўзбек муштарийларига нималарни сўзлаб бера оласиз?

А. Ш: — Биз оилада тўрт фарзандмиз, икки ўғил, икки қиз. Кенжатойи мен бўламан. Отам билан онам ҳозирда Биҳар штатининг пойтахти Патна шаҳрида яшайдилар. Биз асли ўша ерликмиз. Падари бузрукворимиз ўз вақтида Патна университетининг иқтисодиёт профессори бўлганлар, ҳозирда нафақа оладилар. Волидам ишламасдан бир умр уй бекаси бўлиб ўтганлар. Ота-онам фарзандларининг барчасини уйли-жойли қилиб, тинч ва осуда ҳаёт кечирмоқдалар. Акам Бомбайда



тижорат ишлари билан банд. Опаларим ҳам уйли-жойли бўлиб кетишган. Мен ўзим Патна университетида политологиядан бакалавр унвонини олганман, ихтисосим халқаро ҳуқуқ билан боғлиқ. Ўзбекистонга келгач, ўзбек ва рус тилларини ўргана бошладим. Ҳозирда ўзбек тилидаги ўз билимларимни янада такомиллаштириш учун ҳаракат қиляпман. Мана сиз ҳозир мендан ушбу интервьюни ҳиндий тилида оляпсиз. Худо хоҳласа, 5-6 ойдан кейин мен сиздан ўзбек тилида интервью оладиган даражага етишаман.

Тошкентга келиб уйландим, Яратганга беадад шукрки, Ўзбекистондаги ҳаётимдан бениҳоя мамнунман.

Ш. М: — Яқинда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаноблари Ҳиндистонга қилган ташрифини муваффаққиятли якунлади. Ушбу сиёсий воқеа ҳақида фикрларингиз.

А. Ш: — Ташриф натижалари барчага маълум бўлса керак, буни ҳамма эшитди, «зангори экран»да кўрди. Мен бир ҳиндистонлик сифатида эътиборингизни фақат биргина нарсага қаратмоқчиман. Ҳиндистонга келиб кетувчи олий даражадаги меҳмонлар кўп бўлган, бироқ Ислом Каримов жанобларига кўрсатилган иззат-икром жуда юқори бўлди. Бунинг боиси нимада? Бунга сабаб, биринчидан, Ўзбекистоннинг жаҳондаги мавқеи бўлса, иккинчидан, жаноби Ислом Каримовнинг дунё миқёсида олиб бораётган ибратли ишларидир. Буюк инсонлар ҳақида ёзиш ўта мушкул иш бўлади. Шундай бўлса-да, мен Ўзбекистон Президентининг фақатгина элим деб, юртим деб эмас, балки бутун Осиё қитъаси, қолаверса, умумбашарият ғамини еб қилаётган саъй-ҳаракатларини Ҳиндистоннинг «Ааж» газетасида ҳам, Ўзбекистоннинг вақтли матбуотида ҳам бир неча бор ёритганман. Шу боисдан ҳам мен ўзбекона тарзда қўлимни кўксимга қўйиб: «Она юртимга қилган сафарингиз қутлуғ бўлсин, эй ўзбеклар диёрининг сарвари!» дейман.

ПОЛИЦИЯ ҲАРАКАТИ ЭЪТИБОРДА...

Статистик маълумотларга кўра, кейинги бир неча йил ичида Американинг қатор йирик шаҳарларидаги жиноятчилик даражаси бирмунча пасайган. Бироқ бу жараён билан бир қаторда полиция ходимлари фуқаролар, айниқса, қора танли кишиларга нисбатан совуқ муносабатда бўлишмоқда. Хусусан, сўнгги 2-3 йил мобайнида жиноятчиликка қарши курашда яхши натижаларга эришган Нью-Йорк полиция кучларининг этник озчиликни ташкил этувчилар вакилларига баъзан салбий муносабат кўрсатаётганлари ҳақида жиддий ташвишлар билдирилмоқда.

Ўтган етти йил ичида АҚШнинг энг йирик шаҳарларидан бири Нью-йоркда жиноятчилик даражаси қарийб 50 фоизга камайган. Шаҳардаги хавфсизликни таъминлашда полиция ходимлари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Лекин фақат ўтган йилнинг ўзида шаҳарда содир бўлган бир неча воқеа Нью-Йоркликларнинг тинчлигини ҳимоялаш баъзида қимматга тушаётгани ва полициячилар ортиқча куч ишлатишга мойил эканликлари ҳақидаги фикрларга олиб келди. Чунки, ўтган йил мобайнида шаҳар полициячиларининг бир неча қора танли одамларни ўлдирганлари юзасидан тергов жараёнлари ўтказилди.

Нью-Йорк шаҳри мэри жиноятчиликка қарши курашишни ўз сиёсатининг бош йўналишларидан бири сифатида кўради. Шу боис у шаҳар полициячилари фаолиятини ҳимоя қилиб келмоқда. Унинг фикрича, фақат бир неча ҳодисага асосланиб полицияни ирқчиликда айблаш хатодир. Бироқ шаҳар мэри Р. Жулиано сиёсатини танқид қилувчилар шаҳарда яшовчи қора танлилар жамоалари билан яхшироқ алоқа ўрнатиш зарурлигини таъкидлашмоқда. Нью-Йоркда яшайдиган баъзи одамларнинг фикрича, шаҳар полициясининг хатти-ҳаракатлари, аниқроғи, полициячиларнинг қора танли аҳолига нисбатан куч ишлатаётгани ирқчилик хусусиятларини кучайтирмоқда. Яқинда Нью-Йоркда ўтказилган иккита суд жараёнида полициячиларнинг қуролсиз қора танли одамларга қарши зарур бўлмаган ҳолда куч ишлатгани кўриб чиқилди. Жараёнларнинг бирида полиция ходимлари участкага олиб борилган бир қуролсиз қора танли одамни жуда қаттиқ калтаклашганлари учун айбдор деб топилди. Иккинчи жараёнда полициячиларнинг жиноятда гумон қилинган одам хонадонини тинтув қилган пайтда шу кишини отиб ташлашгани кўриб чиқилди. Полициячилар бу одам қуролга қўл чўзган деб гумонсираб ўт очишганлари ҳақида айтишди. Тергов бу одамнинг қуроли бўлмаганлигини аниқлади.

Нью-Йоркда рўй берган ҳодисалар бутун мамлакат бўйлаб полиция офицерларининг қандай вазиятларда ва қандай куч ишлатишлари мумкинлиги ҳақидаги қизғин баҳсларга сабаб бўлди.

■ **Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**
хориж матбуоти асосида тайёрлади.



Голландия: Маастрит шаҳри кўчаларида.

Владимир ПАНОВ олган сурат.

КЎЗГУ

ТЕНГЛИК ТАНГ ЙЎЛНИ ТАНЛАМАС...

Чеченистон борасидаги кўп йиллик тортишувларга ниҳоят нуқта қўйиладиганга ўхшайди. Яқин вақтларгача баъзи бир етук сиёсатчилар Чеченистон муаммосини ҳал қилишнинг турли йўлларини таклиф қилишди. Бу таклифлар орасида Чеченистон мустақиллигини эълон қилишдан тортиб, республиканинг қонуний сайланган Президенти Аслан Масхадов билан янги шартномалар имзолашга бўлган таклифлар ҳам бор эди. Жума куни эса Россия хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Иванов яқин кунларда Владимир Путин Чеченистонда тўғридан-тўғри президентлик бошқарувини жорий этиш борасидаги буйруққа имзо чекишини таъкидлади. Ўтиш даврида бу усул республикада қонунни ва тартибни тиклашда наф беради, деб ишонилмоқда. Россия ҳукуматининг Чеченистондаги вакили Николай Кошман эса бу ерда президентлик бошқаруви ҳақида эмас, 2-3 йил мобайнида тўғридан-тўғри федерал бошқарув ҳақида гап кетаётганлигини қайд этди. Дастлабки вақтларда Чеченистонда ҳудудий бошқарувлар жорий қилиниши кутилади. Даставвал бундай бошқармаларда Федерал марказ вакиллари ишласа, аста-секин маҳаллий аҳоли орасидан кадрларни танлаш билан вазирликлар шуғулланади. Вазият барқарорлашганидан сўнг Федерал марказ ўз вакилларини чақириб олади ва республикада меъёрий демократик жараёнлар бошланади. Чеченистонда тўғридан-тўғри Федерал бошқарув жорий этилиши ҳақидаги масалалар муҳокама қилинаётган бир пайтда бу соҳада, биринчи навбатда Лондоннинг Ольстер можаросини барқарорлаштиришдаги тажриба шубҳасиз қизиқиш уйғотади, деб ҳисобламоқда Россия матбуоти. Шуни айтиш лозимки, 1972 йили Ольстердаги вазият назорат остидан чиқиб кетганидан сўнг Лондон ҳукумати Шимолий Ирландияда тўғридан-тўғри бошқарувни жорий қилганди. Бу ҳақдаги Британия парламенти томонидан қабул қилинган қарорга кўра, Буюк Британия парламенти Шимолий Ирландия ассамблеясини тарқатиб юбориб, унга тегишли бўлган барча қонун чиқарувчилик вазифаларини ўзига олди. Тўғридан-тўғри бошқарувни амалга ошириш учун Британия ҳукуматида Шимолий Ирландия ишлари бўйича котиби лавозими жорий этилди. Давлат котиби вазифаларига Ольстер ҳукуматининг аппаратини бошқариш ваколатлари кирди. У вилоят ҳаётидаги барча масала ва муаммолар бўйича қарор чиқариши мумкин эди. Вилоятнинг мудофаа, ташқи сиёсат, савдо, солиқ ва божхона соҳалари унинг вазифаларига кирмасди. Давлат котибининг энг муҳим функцияси Шимолий Ирландиянинг Буюк Британия ҳукуматига бўйсуниши таъминлаш ҳамда унинг Лондондаги манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Британия расмий доиралари доимо тўғридан-тўғри бошқарувнинг жорий этилиши зарурий ва вақтинчалик чора эканлигини таъкидлашмоқда. Унинг асосий вазифаси эса вилоятдаги адолат ва тартибни қайта тиклаш, маҳаллий парламент ва ижрочи ҳокимиятнинг ҳаракатларини тиклашга шарт-шароитларни яратишдан иборат. Шуниси диққатга сазоворки, Шимолий Ирландия ҳақидаги акт ҳар гал қабул қилинганида 1 йилга мўлжалланади. Ва бу муддат тугаганидан сўнг парламент яна вилоятнинг маҳаллий ассамблеяси ва ижрочи ҳокимиятига ўз ваколатларини қайтариб беради.

1998 йил АҚШ сенатори воситачилиги асосида урушаётган томонлар ўртасида Шимолий Ирландияда тинчлик ўрнатиш хусусида келишувга эришганларидан сўнг давлат котиби Бельфастдаги ҳокимиятни тиклаш чораларини қабул қилди. Даставвал вилоятнинг ассамблеясига сайловлар ўтказилган бўлса, сўнгра барча сиёсий партиялар коалицион ҳукумат тузишга келишиб олишди. Шимолий Ирландия бўйича Британия давлат котибининг раислигида ўтган узоқ музокаралардан сўнг ўтган йилнинг декабрь ойида Шимолий Ирландия ассамблеяси ва ҳукумати ниҳоят ишга киришди. Айни пайтда расмий Лондон давлат котиби вазифасини бекор қилмаган бўлса-да, унинг аппаратини қисқартириб, вазифаларини вазият ривожланишини кузатиш билангина чеклаб қўйди. Бироқ, шу йилнинг февраль ойида Ольстер ишлари бўйича давлат котиби яна воқеалар жараёнига фаол аралашишига тўғри келди. Гап шундаки, аввал ўзидаги бор қурол-яроғни топширишга ваъда берган Ирландия Республикаси армияси ваъдаларининг устидан чиқмади. Ғазабланган юнионистлар армиянинг сиёсий қаноти бўлмиш «Шин Фейн» партияси вакиллари ҳукуматни тарк этишни талаб қилди. Бу эса ҳарбий ҳаракатлар бошланишига олиб келиши мумкин эди. Бундай шароитда айни пайтда давлат котиби лавозимини эгаллаб турган Питер Мандельсон ассамблея ва ҳукумат ваколатларини вақтинча тўхтатиб туриш ва Лондоннинг тўғридан-тўғри бошқарувига қайтиш хусусидаги қарорини қабул қилди. Айни пайтда эса Буюк Британия ва Ирландия Бош вазирлари иштирокидаги музокараларни бошлаб юборди. Шу кунларда Ирландия Республика армияси маълум қилинишича, қайта қуролли курашга қайтмасликка ва БМТ нинг махсус комиссияси аъзоларига унинг яширин аслаҳахоналарини мунтазам текшириш учун рухсат беришини эълон қилган. Бу баёнот эса Ольстердаги тинчлик жараёнининг жонланишига ва вилоятдаги ҳокимият тузилмаларининг қайтадан иш бошлашига шароит яратиши мумкин. Агар томонлар ҳақиқатдан ҳам ўртага ташланган таклифларга рози бўлсалар, у ҳолда 22 май куни Мандельсон вилоят бошқарувини Шимолий Ирландиянинг ҳукумат тузилмаларига топширади.

■ **Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,**
шарҳловчи

ВАҚТНИ «ГУМДОН» ҚИЛИШДИ

Бехудага кетган вақтимизга «ўғирланган вақт», деб қўямиз. Лекин вақтни ростданам ўғирлаш ҳам мумкин экан. Айтайлик, машинангизни ёки бойлигингизни ўмаргандайин, осонгина бажаришади. Ким вақтни ўғирлайди?

Оддий одамларми? Улар сафсата сотиб «ўғирлашади».

Ўзга сайёраликлар, яна ўшалар. Улар бош-кўзимизни айлантириб, вақтимизга «чанг» соларкан... «Жабрланувчилар» ҳам бор. Американинг Нью-Жерси штати, Глассборо шаҳрида яшовчи Эвилин ва унинг эри Жим Гордонлар 2000 йилни кутиб олишга тараддуд кўришаётганди. Улар байрам дастурхонига ул-бул харид қилиш учун шу яқин атрофдаги «Шопрайт» супермаркетига йўл олишганда соат 17.20 эди.

Эр-хотин роппа-роса 10 дақиқадан сўнг супермаркетга етиб келишди. Эвилен ўзи хуш кўрадиган музқаймоқ харид қилиб, кассага келса, музқаймоқ сув бўлиб эриб ётибди. Дўкон ходимаси ҳайратдан ёқа ушлади:«Хоним, бизда бунақаси бўлган эмас, марҳамат бошқасини ола қолинг», — деди. Совутгичдаги музқаймоқлар так-так музлаб ётарди.

Гордон хоним янги музқаймоқ оларкан, ғалати тилда сўзлашаётган «суҳбат» қулоғига чалинди. Атрофда ҳеч ким йўқ, фақат ҳавода иккита шаффоф шарга кўзи тушди. Сотувчи аёллар ҳам номаълум «ғалча» суҳбатдошларнинг гапини эшитаётганидан атрофга аланг-жаланглари.

Улар олган нарсаларни машинанинг юкхонасига юклаб уйга жўнашди. Қизиғи, улар супермаркетда бор-йўғи 10 дақиқа айланишиб ташқарига чиқишса, аллақачон тун кирибди. Гордонлар шоша-пиша уйга йўл олишди. Йўл ҳам 10 дақиқалик, улар ҳар куни шу йўлдан юришади, шу дўкондан харид қилишади. Уйга келиб машинанинг юкхонасини очган хонимнинг капалаги учди: музқаймоқ ўрнида қандайдир шарсимон суюқлик турарди.

Буниси ҳолва экан, эр-хотин уйга кириб соатга қараса — 23.00. Энди уларнинг ўтакаси ёрилаёзди. «Жим, кимдир вақтимизни ўғирлабди!» — деди Эвилен хоним эрига ваҳима билан.

Бундай «ўғирлик» Америкада тез-тез бўлиб турибди. Олимларнинг фикрича, «вақт»ни гумдон қилаётганлар ўзга сайёраликлар эмиш. Ҳозирча бундай «жиноят» фақат Америкада. Назаримизда, ўзга сайёраликлар ҳали-вери биз томонларга «ов»га тушмайди. Чунки улар шундоқ ҳам бизда вақт ўғрилари кўплигидан хабар топган кўринишади. Ёки бизнинг вақт ўғрилари ўзга сайёраликларнинг «вақт»ларини «ўмариб» кетишидан чўчишса керак-да.

■ **Хорижий манбалар бўйича Саида САЙХУН тайёрлади.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги «Омад Баракат» очиқ акциядорлик жамияти «ELLIPS INVSTRIAL TRADING COMPANY» қўшма корхонаси деб қайта тузилди.
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Зарқайнар кўчаси, 1а.
Телефон: 144-14-35.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ

Тошкент шаҳар хўжалик судининг ажримига кўра «ТМК» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ташқи бошқарув фаолият киритилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилади.

«ТМК» ОТАЖ кредиторларининг биринчи йиғилиши шу йил 16 май соат 16.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади:

Тошкент шаҳар, Ночор корхоналар ишлари бошқармаси. Амир Темур кўчаси, 24-уй, 410-хона.
Телефон: 132-07-04

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета
Нашр индекси
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Обуна сони
2000 учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга
(Фамилияси, исми ва отасининг исми)

«ОБУНА-2000»

ФМТ-1

п.в Жойи
Нашрга етказиш варақаси
Нашр индекси
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга

«ОБУНА-2000»

САНЪАТ

РАҚС САЛТАНАТИ СОҲИБАСИ

Рақс — сеҳрли ва жозибали санъат. Бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишингиз учун назаримизда Гулмиранинг рақсларини томоша қилишингизнинг ўзи кифоя.

... Ана, рақҳоса хиром этмоқда. Ундан бир зум ҳам нигоҳингизни узмай қоласиз. Турфа таассуротлар хаёлингизни банд этади. Дилингиз яйрайди, гулларга бурканган боғ-роғлар қўйнида булбуллар сайрайди гўё. Қалбингизни шоду-хуррамлик қамраб олади. Беихтиёр ўзингизни кўм-кўк майсалар бағрида, ял-ял лолалар очилган қирадирларда юргандек ҳис қиласиз.

Гулмира таралаётган мусиқага мос ҳаракат қилади, яллага уйнаганида эса матннинг ҳар бир сўзини тушуниб, қалбида такрорлаб, «ўзиники» қилиб олиб, бутун вужуди билан хиромон этади. Мана шу хислат жуда кўп маълуму машҳур рақҳосаларга, жумладан, Гулмирага ҳам шон-шуҳрат келтирганлиги оддий ҳақиқат. Бунинг исботи учун истеъдодли рақҳосанинг «Жонон бўламан деб», «Мустаҳзод», «Кечиргил», «Бу жоним садаға», «Маҳаллангни кезаман», «Бир тараҳҳум» сингари ашулаларга тушган рақсларини эслашнинг ўзи кифоя. Унинг «Совға», «Гулноз», «Жайхун париси», «Шода-шода», «Ширин хаёл» каби ўйинлари эса бир-биридан дилрабо ва жозибали, иболи ва ифодали.

Гулмира мана 14 йилдирки, ўзи севган, ўзи ихлос қўйган рақҳосалик касбини улуғлаб келмоқда. У «Шодлик» (ҳозирги Ўзбекистон) ашула ва рақс ансамблида ўз фаолиятини бошлаб, эндиликда санъатсевар халқимизнинг севимли рақҳосаси сифатида эл-юртга танилди. 1993 йилда унга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвони берилди. 1994 йилда эса Мукаррама Турғунбоева номидаги Давлат мукофотининг биринчи совриндори бўлди.

— Рақс санъати оламига қандай кириб келгансиз, — деб берган саволимизга, Гулмира қулиб:

— 5-6 ёшимда мусиқани эшитсам рақсга тушиб кетар эканман. Шу боис бўлса керак, Андижон шаҳридаги мактабнинг 6-синфини битирганимдан сўнг мени Тошкентдаги хореография билим юртига олиб келишган, — деб жавоб беради.

Дарҳақиқат, у рақснинг сеҳрли оламига эрта кириб келди. Унга «рақс учун туғилган», дея таъриф беришларининг боиси ҳам шундан бўлса ажаб эмас.

Гулмира Ширинова Жанубий Корея ва Малайзия, Сингапур ва Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амирлиги, Хитой ва Япония мамлакатларида бир неча бор бўлиб, рақс санъатимиз довруғига довруғ қўшди, ажойиб ижрочилик маҳорати билан хорижлик ошуфта кўнгилларни ҳам хушнуд этди.

Гулмиранинг етук санъаткорлар сафидан ўрин эгаллашида Қундуз Миркаримова, Дилафрўз Жабборова, Қодир Мўминов каби устозларнинг хизматлари катта. Улар изланувчан рақҳосага санъат сир-синоатларини қунт ва сабот билан ўргатишди.

Эндиликда Гулмиранинг ўзи ҳам ёшларга устозлик қилиш йўлида дастлабки қадамларни қўймоқда. Пойтахтимизнинг «Туркистон» ва бошқа санъат масканларида бир қатор ижодий жамоалар томонидан уюштирилган концерт дастурларидан ўрин олган рақсларни Гулмира ўргатган қизлар гуруҳи ижро этгани унда балетмейстерлик қобилияти борлигини яққол кўрсатди.

Яна шу нарса эътиборлики, Гулмиранинг турмуш ўртоғи Алишер Мадраҳимов ҳам санъат шайдоларидан. У мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон телевидениесининг мусиқа бош муҳарририятида режиссёр сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ширин оиланинг жажжи қизалоғи Дилором ҳар иккала санъаткорнинг мазмунли ўтаётган ҳаётларини қувончга тўлдириб турибди.

Ҳақиқий рақҳоса ўзининг имконият ва қобилиятини умр бўйи кашф этиб, халқ руҳига монанд рақслар яратади. Гулмирада ҳам шу хислат-фазилатлар мужассам. Шу боис у оппоқ орзулар оғушида яшаб, ижодининг янги қирраларини намойиш этмоқда.

■ **Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ**

СПОРТ

ЧЕМПИОНГА БАС КЕЛОЛМАЙ

Мамлакат футбол миллий чемпионатининг 12-турида энг қизиқарли учрашув Тошкентда бўлди. Боиси, пахтакорчилар билан мамлакат чемпиони «Дўстлик» футболчилари учрашдилар. Мухлисларнинг умидлари пучга чиқди. «Дўстлик» ҳозирги пешқадам, қолаверса чемпионларга хос ўйин кўрсатиб, дарвозага тўртта тўп йўллади. Р. Шоймардонов, А. Бозоров, Ж. Ирисметов, М. Қурбоновлар маҳорат кўрсатишди. Ҳайтовур И. Шквирин битта жавоб тўпи кирита олди. Шунингдек, «Гулистон» дастлабки ғалабага эришди. Сирдарёликлар «Темирйўлчи»ни қабул қилиб, дарвозага 6 та жавобсиз тўп йўлладилар. «Насаф» жамоасининг ҳам шашти баланд. Қашқадарёликлар «Бухоро»ни қабул қилиб (3:0) ғалабага эришдилар. Тўпларни Зафар Холмуродов киритиб, хей-трек муаллифи бўлди. У чемпионат тўпурари (12 та) бўлиб турибди.

■ **Мирзо АНВАР**

ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Таниқли шахматчи Михаил Ботвинник сабоғини олган тошкентлик Александр Ненашев мамлакатимизда учинчи гроссмейстер саналади. У ҳозир жаҳоннинг кучли юз нафар шахматчилари сафидан ўрин олган. Александр яқинда Бирлашган Араб Амирликлари — Дубай шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ғалаба қозонди. У 9 имкониятдан еттита очко жамғариб бош совринни қўлга киритди. Шунингдек, халқаро мастер Д. Қаюмов билан мастерликка номзод Акбар Алиев ҳамда Ўзбекистон чемпиони Рена Мамедовалар ҳам фахрли ўринларни эгаллашди.

■ **Мамажон МУҲИТДИНОВ**

САПАЛОҚ ПОЛВОН ЁДИ

Нукусдаги «Турон» стадионида Ўзбекистон чемпиони Сапалоқ полвон Шомуродов хотирасига бағишланган кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Беллашувларда Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистондан келган 150 нафар полвон иштирок этди. 60 килограммли Қ. Аҳмедов, 66 килограммли Ж. Қониёровлар мезбон сифатида муваффақият қозонишди. Бухоролик А. Саидов, самарқандлик Р. Атоевлар ҳам вазнлари бўйича ғолиблик супасига кўтарилишди. Мусобақанинг мутлақ ғолиби қорақалпоғистонлик Мурод Болтаниёзовга бош соврин — «ВАЗ-2106» автомашинаси калити тантанали суратда топширилди.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

ШИНГИЛ ҲИКОЯ

ЎКИНЧ ВА СЕВИНЧ

Бир куни ишхонамда телефон жиринглаб қолди. Ёқимли овоз. Танишдик. Тез-тез, кунора қўнғироқ қиладиган бўлди қиз. Қўнғироқ қилмаса, орзиқиб кутадиган бўлиб қолдим. Ҳар гал телефонга нигоҳим тушса, ўша ёқимли овозни эслардим.

Ниҳоят, қўнғироқ! Учрашайлик десам, қиз буни кескин рад қилди. Нега, ишончсизликми бу, деб роса ўйладим. Ҳадиксирашми ё?

Аммо бахтимга кунлардан бирида қиз учрашувга рози бўлди! Шунақанги хурсандман денг.

Эрта тонг. Гул, ширинликлар олиб, янги костюм, галстук дегандай, учиб бордим. Аммо қиз йўқ эди. Келмади. Келмади у гулрў.

Жаҳлда қайтиб келиб, телефон қилдим. Қиз трубкани олди.

— Йигитлар хунук қизларга эмас, чиройлиларга учади, — деб қолса бўладими!

— Шундай ёқимли овозингиз бор, сиз албатта хушрўйсиз, — дедим унга.

У ниҳоят учрашувга келди.

Не ажабки, ойлаб кутганимнинг ғирт акси бўлиб чиқди. Тасаввуримда у бениҳоя гўзал эди-да. Мени калака қилибди деб ўйладим. Бир қадам орқага чекинганимни ўзим ҳам сезмай қолибман. Рости, унинг шу қадар хунуклигини кўриб, юрагим увишиб орқага тортиб кетди.

— Наҳотки, сиз... Ўша телефондаги гўзал... — дея олдим, холос! Аммо гулдастани бердим. Музқаймоқ едик. Иззат-обрў билан кузатдим. Рости, совуққонроқ хайрлашдим. Ҳатто ишонасизми, қутулганимга шукр, деб юбордим ичимда.

Орадан йил ўтди. Мен унга эмас, бошқа бир қизга — исмижисмига монанд гўзалга уйландим. Ўз хотинингни мақташ қанчалик нокамтарлик бўлмасин, уни кўрсангиз ҳақиқий сутга чайилган сулув дейсиз.

Аммо... негадир бахтим чопмади. Ўзимни оилада эркин сезмаяпман. Йўқ, бу оила оила эмас. Ғирт жанжалхонани ўзгинаси. Ўнта Отеллонинг рашки ҳам камлик қилади хотинимга. Сиқилиб ича бошладим. Гўзалдан бора-бора кўнглим совуди.

Орадан яна ойлар ўтди. Бир куни... Телефонда яна ўша ёқимли овоз!! Очиғи бу орада фан номзоди бўлдим, кафедра мудири ўринбосари эдим. Ўша қиз мутлақо эсимдан ҳам чиқиб кетган эди. Аввалгидек соф, самимий гаплашди. Гўё орадан йиллар эмас, бир-икки соат ўтгандай. Қиз ўзгармаган мутлақо, ўша-ўша хушмуомала, самимий.

Хотиним менинг ким биландир (албатта товушидан сезди) гаплашаётганимни сезса ҳам индамади. Қизнинг сўзларини мириқиб тинглардим. Овози сеҳрли эди-да. Ишонасизми, ўша хунук қизни бағримдан бутунлай юлиб ташламоқчи, яъни кўнглимдан ўчириб юбормоқ мақсадида, минг ўлиб, минг бора тирилган эдим. Ҳозир сочимга оқ оралаган. Ҳаётнинг оқу-қорасини кўрганман. Аммо... Ўша сеҳрли овоз менинг бутун вужудимни яна қамраб олган эди. У икки дунё қувончидай эди гўё мен учун.

— Эсингиздами, ўша биринчи учрашувимиз? Нималарни ўйладингиз ўшанда, — деб сўради у кутилмаганда! У ичимдагини худди кўриб тургандай эди назаримда.

— Ўшанда мен ёшлик қилибман, вақтида тушунмадим. Одамни фақат ташқи кўринишига қараб баҳоламаслик керак экан. Ҳаётда ғирт акси бўлар экан, — дея олдим холос! Ахир, қиз хунук бўлса ҳам истараси иссиқ эди-да. Дунёда истара иссиқ бўлсин экан. Балки, машҳур донишмандлардан бири қизларнинг асло хунуги бўлмайди, дегани ҳақ рост.

Ҳозир унинг икки фарзанди, яхшигина эри бор. Трубкани қўйганимдан кейин узоқ вақтгача дилимда кўтаринки бир ҳис, қандайдир мамнунлик бор эди. Нега дерсиз. Чунки, ўша қиз бахтли бўлибди! Ўз бахтини топибди, қаранг. Мен каллаварам эса бу бахтни у икки дунёда тополмайди, деб ўзимни ундан бекорга олиб қочган эканман.

Ҳозир, шу дамларда ўзимнинг бахтсиз тақдиримдан ўкинч ўрнига ўша қизнинг бахтли бўлганидан севинч туйғуси устун.

■ **Ҳамид ИКРОМОВ**

ЖАВОҲИР

МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАЛАРИ

Бир куни Расули Акрам саллаллоҳу алайҳиваселлам масжидларида хутба ўқиб бўлгач йиғилганларга юзланибди.

— Мусулмоннинг мусулмон биродари билан арази уч кунгача. Агар ундан ўтиб кетса, иккаласи ҳам гуноҳкор бўлиб қолади. Энди, агар улардан қайси бири биринчи бўлиб биродарига узрини айтиб дўстлигини тикласа, биринчилардан жаннатга киради, — дебдилар. Буни айтаётиб Расулуллоҳ (с.а.в) имоми Ҳасан ва имоми Ҳусан разиаллоҳу анҳуларга қараб қўйибдилар. Чунки икки ака-ука ўрталаридан гап ўтиб бир-биридан аразда эдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в) юқоридаги сўзларини айтиб бўлгач имоми Ҳусан (р.а.) йиғлаб ўринларидан турибдилар-да: — Ё расулуллоҳ, айтинг акам биринчи бўлиб мени кучсинлар, чунки мен улардан олдин жаннатга киргани уяламан, — дебдилар. — Ахир улар менинг акам-ку.

Бундан ниҳоят даражада таъсирланган имоми Ҳасан (р.а) кўзларида ёш билан ўринларидан туриб, укасининг ёнига келибди-да, уни маҳкам қучиб: — Эй биродарим Ҳусан, мен сени энди ҳаргиз хафа қилмасман. Мени Аллоҳ учун кечиргин, — дебдилар.

Бунга жавобан имоми Ҳусан (р.а): — Йўқ, акажон Аллоҳ сиздан рози бўлсин, сиз мени кечиринг. Энди сизни ҳаргиз хафа қилмасман, — дебдилар.

Буни майин табассум билан кузатиб турган Сарвари коинот (с.а.в.), — Агарда сизлардан бирортангиз жаннатга бирга кирувчи икки биродарни кўрмоқчи бўлсангиз ана улар, кўриб қўйинг, — дебдилар.

■ **ҲУСНИДДИН тайёрлади**

Ниҳоллар синмаса, бас... Шавкат АКРАМОВ олган сурат

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Соҳибжон Салимов

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали 2000 йил 9-16-23 июнь кунлари соат 10 да ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.
Савдоларга қуйидагилар қўйилади.

Тошкент шаҳар Чилонзор мавзеси, 26-даҳа, 36-уйда жойлашган («Ювелирный заводи» бекати) «НПО Сигнал» ОТАЖнинг саноат-ишлаб чиқариш мажмуи (бино, иншоот, ишлаб чиқариш цехлари, технологик асбоб-ускуналар), майдони 5,2 гектар.

Бошланғич нархи — 200 миллион сўм.

Алоҳида турган ишлаб чиқариш корпуси — умумий майдони 3900 кв.метр бўлган 3 қаватли бино ўз тузилмаси билан бирга: 3 секцияли градирня, айланма сув таъминоти насос станцияси, хўжалик ёнғинга қарши водопровод иккинчи кўтарма насос станцияси, совутилган ва иссиқ сув камераси сотилиши мумкин. Иншоот ўша манзилгоҳда жойлашган. **Бошланғич нархи — 67 миллион сўм.**

«Дамас» автомобили. **Бошланғич нархи — 937227 сўм.**

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали кўчмас мулк объектларини сотиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда маслаҳат хизматлари беради ва амалий ёрдам кўрсатади. Сотув чоғида уй-жойлар, квартиралар, ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар олди-сотдиси бўйича барча зарур ҳужжатларни хусусий шахсларга ҳам, ҳуқуқий шахсларга ҳам расмийлаштиради.

Хусусий тадбиркорларни брокерлар сифатида ишлаш учун таклиф этади.

Барча қизиқтирган масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 69-уй. Тел: 144-44-72, 144-44-73.

«ОБУНАЛОТО»
ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетада чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тагидаги 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, яқинидаги почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўлдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўм ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг мижозга қайтарилган қисми ютуқлар тиражида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 1 июнда ўтказилади. Қуръа ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетада эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охирги олтитаси, бештаси, тўрттаси, газетадаги рақамга мос келса — ЮТУҚ ҳисобланади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетада ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки рақамнинг кейинги олти рақами ютуқ рақамига мос тушяпти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуқга — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталаридан бирига 6 ой бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 3 ой, тўрт (8754) рақамни топганлар — бир ой ушбу газеталардан бирини бепул олиб турадилар. Охирги уч рақами (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имкониятга қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу боисдан уларни ташлаб юборишга шошилманг.

ТАНИ СОҒЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Республика Физиотерапия ва саломатликни тиклаш илмий текшириш институтидаги (собиқ Н. А. Семашко номли) АМБУЛАТОРИЯ МАРКАЗИ қуйидаги касалликларни диагностика қилади ва даволайди.

1. Хафақонлик хасталиги
2. Юрак ишемик хасталиги
3. Ревматизм
4. Ўпка ва нафас йўллари хасталиклари
5. Асаб тизими хасталиклари
6. Бўғин ва умуртқа хасталиклари
7. Ошқозон-ичак касалликлари
8. Жигар, ошқозон ости бези ва ўт пуфаги касалликлари
9. Гинекологик касалликлар
10. Томоқ, бурун, қулоқ хасталиклари
11. Стоматология

ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКА УСУЛЛАРИ:

1. Эхокардиография (юрак УТТси)
2. Жигар, ўт пуфаги, буйрак, бачадон, простата бези, қалқонсимон бези ультратовуш ташҳиси ва ҳомилани аниқлаш
3. Велоэргометрия
4. РЭэнцефалография
5. ЭХОэнцефалография
6. Гастрофиброскопия
7. РЭО ва зография
8. Ректороманоскопия
9. Клиник ва биохимик тадқиқот усуллари

ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ:

1. Электр даволаш (паст ва юқори частотали, турли доривор препаратлар ёрдамида электрофорез)
2. Нур билан даволаш (гелиотерпия, сунъий концентрлаштирилган нур, нур ванналари, УФО)
3. Лазер терапияси (ВЛОК, лазеропунктура, магнитолазер)
4. Сув билан даволаш (ванна ва душнинг турли хиллари, даволаш клизмаси, ичакларни ювиш, ошқозон ва ўт пуфагини минерал сув билан зондлаш)
5. Иссиқ балчиқ билан даволаш (парафин-озокерит апликацияси, гальванобалчиқ, балчиқли тампонлар)
6. Сувости тортишлари
7. Уқалашнинг турли хиллари (умумий, нуқтавий, вакуум, сувости усуллари)
8. Игна билан даволашнинг турли хиллари
9. Аромотерапия
10. Мануал терапия
11. Оксигенотерапия
12. Фитотерапия

Беморларга юқори малакали мутахассислар, тиббиёт фанлари номзодлари, докторлари, профессорлар маслаҳатлар беришади, зарурат бўлса даволашга ётқизиладилар.
Манзил: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 4. (Мўлжал: «Ўзэкспомарказ» (собиқ ВДНХ), 10, 85, 88- автобуслар, 24-троллейбус. Телефонлар: 34-30-59, 34-15-64.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-56-97.
Факс: 54-49-11.
Пейжер: (067) 90-79

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партия Марказий Кенгаши Партияларо алоқалар бўлими мудири А. Қ. Раҳимовга отаси **Қўзибой РАҲИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар 14-болалар жарроҳлик шифохонаси жамоаси шифохона шифокори **Мурод Ҳакимович ҲАКИМОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 20 май, шанба куни чиқади.